

УСМИРЛИК ДАВРИДА ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНИШ

Акбарова Сарвиноз Умиджон қизи

Кўканд Университети Андижон филиали

Иқтисодиёт ва педагогика факультети психология

йўналиши, 1-курс талабаси

Аннотация

Мазкур мақолада ўсмирлик даврида юз берадиган психологик улғайиш жараёнлари, уларнинг босқичлари ва ижтимоий-психологик омилларнинг таъсири ёритилган. Шунингдек, ўсмирларнинг эмоционал барқарорлиги, ўзини англаш, мустақил фикрлаш, шахслараро муносабатлар ва идентификация жараёнлари илмий манбалар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотда ўсмирлик даврининг мураккаб психологик хусусиятлари ва уларни тўғриллаш бўйича самарали ёндашувлар таклиф этилган.

Калит сўзлар: ўсмирлик даври, психологик улғайиш, эмоционал барқарорлик, шахс ривож, ўзини англаш, ижтимоий омиллар, ёш давр психологияси

Ўсмирлик даврини машҳур психологлар қандай таърифлашган? Бунга қизиқиб кўрганмисиз?

Гренвил Стэнли Холл ўсмирликни «боран ва хужумига» давр сифатида таърифлаган экан. У ушбу давр устида астойдил ишлаган, тер тўкан ва натижага эришган. Усмирликни шундай тасвирлаган психолог уни қандай органиб чиққан экан, қизиқ эмасми?

Гренвил Стэнли Холлнинг

«Adolescence: психологияси ва физиологияси» (1904 йил) номли тўлиқ нашридаги концепциясига кўра, Стэнли Холл ўсмирлик ёшини «боран, хужум ва яна бир маънода боран ва нарра» деб ҳам англатади.

Нега бундай англатаркан, деган савол қизиқиш уйғотади. Бу ибора ўсмирлик давридаги эмоционал тебранишлар, кескин ўзгаришлар, ички қарама-

қаршилиқлар, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, кунвоқлик ва тушкунлик тез кузатилиши, интилиш ва ёлғизлик каби ҳолатларни ифодалайди.

Жон Тиаже ўсмирлик ривожланишининг юқори босқичи — формал операцион фикрлаш шаклланишини ўрганган бўлиб, ўсмирлик даврининг назариясидаги формал операцион фикрлаш босқичига тўғри келади. Бу босқичлардан жумладан «бола онгининг тафаккури» каби китобларда тўхталиб ўтилган, бироқ «боланинг ўсмирликкача генезиси»да Тиаже бу фикрлашни 11–12 ёшдан 14–15 ёшгача бўлган даврда ҳоп деб ҳисоблайди.

МДХ давлат психологлари эса, яъни Лев Семёнович Выготскийнинг таърифини ўрганиб чиқсак, унинг ривожланиш назарияси маданий-тарихий ёндашув усмирликда етакчи ролини таъкидлайди. У 1929–1931 йиллари ўсмирлик педагогикасини, яъни (педагогия подростка) сини ёзган ва нашр қилган. Выготский ўзининг давридаги ўзининг маданий-тарихий ривожланиши назарияси нуқтаи назаридан ёндашган.

У бу йилни даврни нафақат жинсий ёки органик, балки етуклик даври сифатида ажратиб кўрсатди. Унинг таърифи моҳияти шундаки, ўсмирлик даврининг марказий янги ҳосил бўлиши — бу ўз-ўзини англаш (самосознание) ва абстракт тушунчалари билан ривожланишдир.

Алексей Николаевич Леонтьев ўсмирлик ва илк ўсмирлик даврининг ижтимоий-психологик шахс ривожланишини таҳлил қилган.

Ўзбекистонда қандай ўрганилган деб ўйлайсиз?

Ўзбекистонда ўсмирлик давридаги психологик ривожланиш бир қатор тадқиқотлар, айниқса ЮНИСЕФ томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўрганилган.

Асосан нималарни ўргангани албатта қизик: ўсмирларининг руҳий саломатлиги ва психожисмоний фаровонлиги, мактабга алоқадор омилларнинг таъсири билан бирга.

Асосий натижалари эса тадқиқотларда шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг катта қисмида ўртачадан жуда оғиргача бўлган ташвиш ва депрессия ҳолатлари аниқланган. Масалан, 2022 йилги тадқиқотга кўра: 15,40% — ташвиш, 9–18% — депрессия.

Кимлар томонидан ўрганилган десек: ЮНИСЕФ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар Жамғармасы ҳамда (таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги) ташкилотлар томонидан 2022 йилги йирик тадқиқот 14 ҳудуддаги 22 миллиондан зиёд ўқувчи.

Осмирлик ёшида ота оналарга таклифим шу эдикий, ўз дилбандларингизга копроқ меҳир, эҳтибор, ва босим остида қолдирмастан назорат қилинг. Зеро фар бир келажакка қойилган қадам ва орзу ютуқлар усмирлик йошидан бошланади, агар усмирлик йоши фақат травмаларга тола болса, у усмирда ҳайотка қизиқиш сушлашиб кетади.

Усмирлар копроқ вақтларини мазмунли отқазсалар шунда ҳеч қандай бемани ой ҳайолар болмайди усмир ёшдаги фарзандингиз болса ҳунар, тоғаракларга қатнашишга қизиқтирсангиз. Сизни ишончингизни оқлаш учун ҳам Унда мотивация ошади ва усмирлик вақтидан бошлаб ўз мақсадларига шағдам қадам ташлашни бошлайди

Усмирлик — инсон ҳаётидаги энг мураккаб ва бурилишли босқичлардан бири. Бу даврда жисмоний ўсиш тезлаша бошлайди, шахснинг дунёқараши шаклланади ва ўзини англаш жараёни кучаяди.

Айнан шу пайтда ёшлар ўз келажаги, жамиятдаги ўрни ва муносабатлари ҳақида жиддий ўйлайди. Шу билан бирга, бу босқичда стресс, тушкунлик ва хатолар ҳақида жуда кўп ўйлаш бошланади. Тушкунлик ва кўп фикрлаш сабабли суицид хавфи ҳам кучайиб бориши мумкин.

Бундай ҳолатларда ота-она фарзандига ҳаммадан яқинроқ дўст бўлиши лозим. Акс ҳолда ёмон оқимга кириш, майда безорилик, онлайн-казино, спиртли ичимликлар ҳамда бошқа зарарли омиллар кучайиши мумкин. Ўсмир бу ҳис-туйғуларни ичида сақлаб, эшитадиган одам топа олмагани учун айниқса ўғил болаларда суицид хавфи ошиб бормоқда.

Ота-оналар ҳеч қачон ўсмир ёшдаги болага кўпол муомила қилиб тарбия бера олмайди. Катталар орасида “урсанг эти қотади, сўксанг бети” деган гап бор — бежиз айтилмаган.

Болалар асосан 7 ёшгача тарбиявий жиҳатдан шаклланиб бўлиши керак. 7 ёшдан бола ўсмирликка қадам қўяди ва унга босим ўтказиб, сўкиш орқали тарбия бериш хатодир.

Бу борада нафақат босим ўтказмаслик, балки ота-оналар улар билан тенг фикрлашлари, дўстдай яқин бўлишлари ва эшитишлари зарур. Босим ва сиқув ўсиб бораётган болани ёлғончига айлантиради, яъни сурункали ёлғон гапиришга ўргатади. Бундай муҳитда ўсган бола ўз фикрини тўлиқ айта олмайди.

Шунингдек, ўсмирлик даврида болага оддий ва майда нарсалар ҳам катта аҳамият касб этади. Оилавий масалалар, “меҳр” ва етарли эътиборнинг берилмаслиги кўп муаммоларга сабаб бўлади. Айниқса қизлар орасида уйдаги эътибор камлиги, жанжаллар ва нотўғри тарбия сабабли ўсмирликда турли травмалар пайдо бўлмоқда.

Кўп оналар қизларини эшитмай қўйишган, мақсадлари фақат пул йиғиш, сеп тайёрлаш, тилла-кўмушки бўлиб қолган. Қизининг қизиқишлари ва келажаги ҳақида ўйлашмай қўйишган.

Фарзанд тарбиясида энг муҳими — ҳар бир болага тенг меҳр ва эътибор беришдир. Айрим оилаларда фарзандлар “болиб олиниб”, айниқса ўртача

фарзанд эътиборсиз қолиб кетмоқда. Бу эса суицид, майда безорилик ва фоҳишабозлик каби муаммоларга олиб келмоқда.

Кўп оналар мактабга бориб, психологлар билан сурункали мулоқот қилиши керак. Агар кимдир фарзандини етук шахс қилиб, эл қаторига қўшмоқчи бўлса, аввало уни тўғри тушуниши лозим.

Бола ташқи жихатдан каттага ўхшаса ҳам, унинг психологик хусусиятлари катталардан кескин фарқ қилади. Агар гап ўсмирнинг психологияси ва ривожланиш жараёни ҳақида кетадиган бўлса, аввало ривожланишнинг моҳиятини тушуниб олишимиз керак.

Ривожланиш деганда одатда “ўсиш”, “тараққий этиш”, “фикрлашнинг кенгайиши” тушунилади. Усмирлик даврида боланинг эҳтиёжлари тез ўсиб кетади, лекин уларни қондириш имкониятлари айрим ўсмирларда секин шаклланади.

Натижада ўсиб бораётган боланинг хилма-хил эҳтиёжлари билан тор имкониятлари ўртасида жиддий зиддиятлар юзага келади.

Айнан шу вақтда унга ота-она ёки психолог зарур бўлади. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўз фарзандига психологдек ҳам муносабатда бўла билиши керак.

Айрим ўсмирлар психолог билан эмас, айнан ота-онаси билан суҳбатлашишни истайди. Агар шу суҳбат бўлмаса, уларда кераксизлик ҳисси кучаяди, бу депрессияга, у ёмонлашса стресс ҳолатига айланиб боради. Эътибор топиш мақсадида суицидга уриниш ҳолатлари ҳам шунинг оқибатидир — бунга асосан ота-она эътиборининг камлиги сабаб.

Шунинг учун фақат болага эмас, ота-оналарга, оила муҳитига ва тарбияга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак.

Хулоса:

Ота-она аввало ота-оналик қандай жиддий масъулият эканлигини билиши керак, жамиятга қандай шахсни тарбия қилаётганини Ибн Сино, Бобурийлар,

Улуғбеклар тарбиялаётгандай ҳис қилиб тарбия қилса, жамиятга жуда катта сармоя киритган бўлар эди.

Фарзанд учун энг яқин дўст бу ота-онадир, лекин тарбия ва эътибор ролида кўпроқ оналар эътиборлироқ бўлишлари керак.

Ўсмирлик даврида шахснинг ривожланиши тезкор ва мураккаб кечади. Бу босқичда ҳар бир нотўғри сўз ёки эътиборсизлик уларнинг руҳиятида чуқур из қолдиради.

Ўсмирлик — муаммолар даври эмас, эътибор билан инсонни ўсиши ва улғайиш давридир.

Органилган адабийот

Елена Тимохова 2025 N10

поддержка и эмоциональная связь с родителями помогают ребенку пройти через трудные моменты взросления. Выготский. Л.С «Педология Подростков» Москва 1984 .Н .И .Козлов 01.января 2006 основатель университета психологии «Психология подросткового возраста» Екатерина Бурмистрова "Подростки. Как пережить пубертат" 2022

Лиа Шарова «Я подросток» 24мар 2024 г «Ты можешь больше чем ты думаешь»
«Томас Армстронг 2016 г

«Oilа psixologiyasi» G‘ayrat Shoumarov 2010 yil “Pedagogik psixologiya”
Ibragimov .X.I Yoldoshboyev U.A.Bobomirzayev.X 2009yil

«Психология» Венгер .Л.А . Мухина .В .С 1988